

«Худоёрхон (Кўкон хони) хижрий 1292 йили шошилинич холда ўттизта казакдан иборат рус отряди химоясида Тошкентга кетишга мажбур бўлди... Кўкон шахридан Худоёрхон хотин, бола-чакаларини олиб, хизматкорлари билан олтин, кумуш, лаъл, жавахирлар тўла сандикларни ортиб, Хўжанд оркали чикиб кетди. Шахардан саккиз чакирим юрилгач, хон хамрохларига дам беради. Шунда унинг 1000 пиёда, 2000 сипохи, 68 замбараги бор эди. Танаффусдан сўнг йўлга чиқилганида канотида 500 сипохи қолган, бошқалари эса хонни ташлаб кетганди. Кейинрок сандикдаги бойликлар ҳам изсиз йўқолди» («Таснифи Гариб» кўлёзма китоби, шахсий кутубхона).

Бухоро амири хазинасида у тахтдан кетиши олдида куйидаги бойликлар бўлган: 1 миллион 148 минг 380 дона Бухоро тилласи, 4 миллион 365 минг дона рус тилласи, 17 тонна 728 кило ёмби ҳолатидаги Гамбург тилласи, 45 тонна 494 кило Гамбург ёмби кумуши, 22 тоннадан зиёд рус кумуш тангалари ва жами 34 номдаги бошқа қимматбаҳо буюмлар рўйхатга олинган. Уларнинг умумий қиймати 73 миллион 252 минг сўмдан ошган. Бунга амир ва унинг оиласига тегишли 3 миллион 300 минг сўмликдан ортиқ қимматбаҳо тақинчолар ва инжу-марваридлар қирмаган (Бу пулларнинг қанчалигини билиш учун солиштириб кўринг: ўша пайтда бир пуд (16 кило) ун – 95 тийин, бир пуд писта – 35 тийин, шунча бодом – 70 тийин, бир бош семиз кўй 2 сўм бўлган). Ана шунча бойликнинг тақдири ханузгача маълум эмас (Х. Узоқов, С. Холбоев, «Бухоро амирининг олтинлари», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил).

«Ўзбеклар иши»ни ташкил этиб амалга оширган Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов каби терговчилар юқори мартабали шахслар ва уларнинг оила аъзоларидан тортиб олган, мусодара қилган бойликлар 40 миллион сўмликдан ошқан эди. Бундан ташқари бошқа терговчилар ва ҳуқуқ органлари томонидан мусодара қилинган пул ва бойликлар 100 миллион сўмга етган эди. Ана шу миллион-миллион пуллар, олтин, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо магнитафон, соат каби буюмлар, заём облигацияларининг бари Москвага олиб кетилди ёки нопок терговчилар томонидан гумдон қилиниб, ўзлаштирилди (Изоҳ: тўксонинчи йиллар бошида ВАЗ-2106 маркали «Жигули» автомобили 8 минг сўм турарди) (В. Илюхин, «Қабоҳат ёҳуд...», Тошкент, 1993 йил).

Бизнинг изоҳ: катта пул-бойлик ҳеч қачон вафо қилмаслигини билса ҳам одам боласи уни йигиб-босаверар экан-да!